

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ихё қилиш (28-тавсия)



16:15 / 16.03.2017 9332

Амр ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Билол ибн Ҳорисга: «Билиб қўй, эй Билол!» дедилар. «Нимани билишим керак, эй Аллоҳнинг Расули?» деди. У зот шундай дедилар: «Билиб қўй, ким мендан кейин менинг амалдан қолган суннатларимдан бирини тирилтурса, унга ўша суннатга амал қилганларнинг ажрича ажр, амал қилувчиларнинг ажрларидан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда берилади. Ким Аллоҳни ва Унинг Расулини рози қилмайдиган залолат - бидъатни пайдо қилса, унга ўша бидъатга амал қилганларнинг гуноҳларича гуноҳ бўлади. Бу эса (ўша бидъатга амал қилган) одамларнинг гуноҳларидан бирор нарсани камайтирмайди».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амалдан қолган суннатларини қайта тирилтиришга тарғиб.

2. Амалдан қолган суннатни қайта тирилтирган одамга унга амал қилганларнинг савобларича савоб доимий ёзилиб туради.
3. Ўша тирилтирилган суннатга амал қилган одам ажридан бирор нарса камайтирилмай амалига яраша савоб олаверади.
4. Кимки бирор залолат-бидъатни пайдо қилса, унга амал қилганларнинг гуноҳича гуноҳ доимий ёзилиб туради.
5. Ўша пайдо қилинган залолат-бидъатга амал қилганлар ҳам гуноҳкор бўлишади.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.